

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2025 йил декабрь ойининг 5 куни, жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман суди, Шаҳрихон туман Карнайчи МФЙ маъмурий биносиди, очик сайёр суд мажлисида, туман суди раиси З.Рахимовнинг раислигида, Н.Патиддиновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрихон туман прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Якубов, судланувчи Э.Абдурахимов ва унинг ҳимоячиси З.Турғуноваларнинг иштирокида, Абдурахимов Эркинжон Фарходжон ўғлига оид 1-1716-2501/333-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Абдурахимов Эркинжон Фарходжон ўғли (Abduraximov Erkinjon Farhodjon o'g'li), 1992 йил 05 апрелда Бўз туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, судланмаган, мавсумий ишчи, Шаҳрихон тумани, “Карнайчи” маҳалла, Толмозор кўчаси, 10-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 24 ноябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов ва суд жараёнида тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг фикрларини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи Э.Абдурахимов 2025 йил 29 сентябрь куни соат 00:15ларда Шаҳрихон тумани Ваҳим маҳалласида жойлашган яшаш хонадониди 400.000 сўм пул эвазига ҳолис мижоз Д.Исроилов ва Н.Аҳмедоваларни жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилган.

Э.Абдурахимов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Э.Абдурахимовнинг айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар мажмуи билан тасдиқланди.

Судланувчи Э.Абдурахимов суд мажлисида, айбига иқроп бўлиб, 2025 йил 28 сентябрь куни соат 22:48 ларда Д.Исроилов қўнғироқ қилиб, Мардона исмли танишидан унинг телефон рақамини олганлигини айтгани ва ўзига таниш бўлган бир аёл билан жинсий алоқада бўлишлик учун ундан икки соатга жой сўрагани, рози бўлгани, сўнг 2025 йил 29 сентябрь куни соат 00:15да Шаҳрихон тумани Ваҳим МФЙ худудида жойлашган мусиқа мактаби олдида Д.Исроилов бир нотаниш аёл билан келишганлигини, Д.Исроилов билан келишилган 400.000 сўм пулларни олиб, яқин жойдаги савдо дўконга кириб турган вақтида, ёнига фуқаролик кийимида бўлган шахслар келишиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканликлари айтишиб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатишгани, шундан сўнг ИИБ ходимлари



икки нафар холислар иштирокида Д.Исроиловдан уларни жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб берганлик эвазига олган 400.000 сўм пулларни хужжатлаштириб олишгани, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ А.Абдулхамидов судда, 2025 йил 29 сентябрь куни ўз ишлари билан юрган вақтида ИИБ ходимлари тўхтатишиб, бир ишда холис сифатида иштирок этиб беришлигини сўрашгани ва унга ҳуқуқ мажбуриятларини тушунтиришгани сўнг у рози бўлгани, ИИБ ходимлари билан Шахрихон Ваҳим МФЙда жойлашган Э.Абдурахимовнинг яшаш хонадонига келишгани, Э.Абдурахимов яшаш хонадонига бегона эркак ва аёлларни жинсий алоқа қилишлиги учун шароит яратиб бериб, жамиятдаги фуқароларнинг хулқи бузилишига ва жиноятларни содир этилишига олиб келаётганлиги аниқланиб, ундан холис миқдор Д.Исроиловдан олган 400.000 сўм пулларни ихтиёрий тақдим қилишлиги сўралганида, Э.Абдурахимов ўз ихтиёри билан Д.Исроиловдан олган 400 000 сўм пулларни ИИБ ходимларига тақдим қилганилиги ва унга нисбатан хужжатлар расмийлаштирилгани билдириб, кўрсатув берди.

Тарафларнинг розилиги билан гувоҳлар Н.Ахмедова, Ш.Мамуровларнинг дастлабки тергов давридаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи Э.Абдурахимовнинг қилмиш айби жиноят ишининг 4-варағидаги Шахрихон туман Тараққиёт маҳалла, Р.Ёдгоров кўчасида яшовчи фуқаро Д.Исроиловнинг Шахрихон туман ИИБ бошлиғи номига ёзган аризаси, 5-8 варақларидаги тадбир ўтказиш ва ҳолатни хужжатлаштириш ҳақидаги баённома, 9-10-варақларидаги пулларнинг серия ва номерларини нусхасини олиш, гувоҳлантириш ҳақидаги баённома ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбулликига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги Э.Абдурахимовни айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбулликига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, Э.Абдурахимовнинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисмида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилганлик учун, ушбу модданинг 2-қисмида фоҳишахона ташкил этганлик ёки сақлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, Э.Абдурахимовнинг ҳаракатларини ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан квалификация қилиш учун у фоҳишахона ташкил этиш мақсадида, шахвоний хатти-ҳаракатлар содир этиш учун мўлжалланган хона танланиши, уни



жиҳозлаши, фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилиши, мижозлар жалб қилиш, реклама ва эълонлар тарқатиши лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

95-моддасида, далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилиши, далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилиши, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланиши, исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланиши;

455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асосланиши лозимлиги белгиланган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Э.Абдурахимов яшаб келган хонадонда осон пул топиш мақсадида фуқаро холис мижоз Д.Исроилов ва унинг танишини жинсий алоқа қилишлари учун 400.000 сўм пул эвазига шароит яратиб бериб, кўшмачилик қилган бўлса-да, дастлабки тергов органи Э.Абдурахимовнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 2-қисми билан нотўғри квалификация қилган деб баҳолайди.

Юқоридагиларга асосан суд, Э.Абдурахимовнинг ўзи яшаб келган хонадонда осон пул топиш мақсадида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда холис мижоз Д.Исроилов ва М.Қорабоеваларга жинсий алоқа қилишлари учун 400.000 сўм пул эвазига шароит яратиб, кўшмачилик қилганликдаги жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддаси 2-қисмидан, Жиноят кодексининг 131-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиш лозим деб ҳисоблайди.

Суд, Э.Абдурахимовга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандидаги судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига,



шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга амал қилиб, қуйидаги тўхтамга келди.

Судланувчи Э.Абдурахимовнинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддаси асосида оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб топилиб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни;

- ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, ашёвий далил сифатида эътироф этилган ва тезкор тадбирда фойдаланилган 400.000 сўм пуллар холис харидорга қайтарилганлиги инобатга олишни, тадбир давомида 4 дона 5 000 сўмлик пуллар ксеронусхаларини ҳамда жиноят ишига илова қилинган 1 дона DVD дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

Абдурахимов Эркинжон Фарходжон ўғли (Abduraximov Erkinjon Farhodjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Э.Абдурахимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 15 (ўн) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1(бир) йил 6(олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ижросини назорат қилиш Шаҳрихон туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Тайинланган жазони умумий асосларда ИИБ томонидан жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблаб ўтаттирилсин.

Э.Абдурахимовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган тезкор тадбирда фойдаланилган 400.000 сўм пуллар эгаси Д.Исроиловга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Жиноят ишига илова қилинган 1 дона DVD диск ҳамда тадбир давомида 4 дона 5.000 сўмлик пуллар ксеронусхалари жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, ўн сутка ичида, судланувчи томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, иш апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда қонуний кучга кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.



Раислик қилувчи:

З.Рахимов

Маъсул судья: Рахимов Зарифжон Ахмадович



Хужжат имзоланган: Рахимов Зарифжон Ахмадович, 09.12.2025

